

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Давлат статистика қўмитаси раиси
_____ Б.Э.Тўраев

« 12 » октябрь 2015 й.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида
“Ишонч телефонлари” фаолиятини ташкил этиш**

РЕГЛАМЕНТИ

Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика бошқармалари деб аталади)да мавжуд “Ишонч телефонлари”га жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва мурожаат этувчига жавоб йўллаш тартибини белгилайди.

1. Умумий қоидалар

1. Жисмоний ва юридик шахсларни қизиқтирган савол ва мурожаатларга малакали жавоб ва маслаҳатлар берилишини таъминлаш, жойларда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда юзага келган муаммоларни тезкор равишда ҳал этиш орқали тушунтириш ишларини янада кучайтириш ва коррупция ҳолатларини олдини олиш мақсадида, Қўмита ва ҳудудий статистика бошқармаларида “Ишонч телефонлари” ташкил этилади.

2. “Ишонч телефонлари” тўғрисидаги маълумотларни жойлардаги жисмоний ва юридик шахсларнинг эътиборига кенг миқёсда етказилишини таъминлаш мақсадида, ушбу маълумотлар давлат статистика органларида ташкил этилган кўргазмали стендларга жойлаштирилади, шунингдек бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида, Қўмита ва ҳудудий статистика бошқармалари расмий веб-сайтларида, тадбиркорлар ҳамда аҳоли ўртасида ташкил этиладиган семинар-учрашувларида ва “Очиқ эшиклар кунлари”да мунтазам равишда эълонлар бериб борилади.

3. “Ишонч телефонлари” орқали жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни ҳар томонлама пухта кўриб чиқиш, шунингдек зарур ҳолларда келиб тушган муаммоларни тезкор ҳал этиш учун малакали мутахассислар жалб этилади.

4. “Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади), Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом, шунингдек Қўмитанинг 2015 йил 20 апрелдаги 17-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) талабларига риоя қилган ҳолда, ушбу Регламент асосида кўриб чиқилади.

II. “Ишонч телефонлари” орқали келган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш

5. Давлат статистика органларида “Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, шунингдек ушбу мурожаатлар билан иш юритишни ташкил этиш, Қўмитада – Худудий статистика органлари билан ишлаш бўлими, худудий статистика бошқармаларида – Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма-ахборот ишлари бўлими томонидан амалга оширилади.

“Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатлар билан иш юритишни тартибли ташкил этиш, ушбу бўлимлар раҳбарларининг зиммасига юклатилади.

6. “Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатларни қабул қилувчи масъул ходим ўзи тўғрисида маълумотларни, яъни фамилиясини, исмини, отасининг исмини, эгаллаб турган лавозимини мурожаат қилувчига етказди, шунингдек қўнғироқ қилган шахсни қасдан ёлғон маълумот тақдим этилиши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантиради ҳамда Қонуннинг 6-моддаси талабларини тушунтирган ҳолда мурожаат қилувчи ҳақидаги маълумотларни ёзиб олади ҳамда мурожаатни рўйхатга олади.

7. Давлат статистика органларининг “Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича “Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш дафтарида рўйхатга олинади, шунингдек ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича карточка юритилади.

8. Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтдан бошлаб бир иш кунидан кечикмай давлат статистика органи раҳбарига ёки унинг ўринбосарига мурожаатни кўриб чиқишга масъул бўлган таркибий бўлинмани (ходимни) ҳамда тегишли резолюцияни (топшириқномани) белгилаш учун киритилади.

9. Мурожаат қилувчининг мурожаати ижрочи таркибий бўлинма (ходим) томонидан Қонун ҳамда амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Низом ва ушбу регламент талабларига асосан кўриб чиқилади.

10. Мурожаатларни кўриб чиқишда Қонуннинг 14-моддасига асосан, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти ва шахсига доир бирон-бир маълумотлар, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз ва бошқа ахборотлар давлат статистика органлари ходимлари томонидан ошкор этилиши ҳамда жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқланиши таъқиқланади.

11. Мурожаат қилувчига давлат статистика органи томонидан қабул қилинган қарорнинг моҳияти баён қилинган жавоб хати тайёрланади ва давлат статистика органи раҳбарига ёки унинг ўринбосарига имзолаш учун киритилади.

12. Давлат статистика органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган жавоб хати мурожаат қилувчининг шахсан ўзига берилади ёки унинг почта (электрон) манзилига юборилади.

13. Давлат статистика органларида “Ишонч телефонлари” орқали келиб тушган мурожаатлар Қонуннинг 19-моддасида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

14. Мурожаат қилувчига жавоб юборилгандан кейин мурожаат ушбу мурожаатни назоратга олган масъул шахснинг имзоси билан назоратдан чиқарилади ва бу ҳақда тегишли карточкада зарур ёзув билан қайд этилади.

15. Кўриб чиқилиши давлат статистика органларининг ваколатига кирмайдиган масалалар баён қилинган мурожаат “Ишонч телефонлари”га келиб тушган ҳолда, масъул ходим томонидан мурожаат қилувчига белгиланган тартибда тушунтириш берилади ва Қонуннинг 18-моддасида белгиланган муддатда (5 кун) ушбу мурожаат тегишли ваколатли органга юборилади.

16. “Ишонч телефонлари”га келиб тушган аноним мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

III. Яқунловчи қоидалар

17. “Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатлар билан ишловчи шахслар олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиниши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавоб берадилар.

18. “Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатлар ҳамда уларни қайд этиш, кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳужжатлар Қўмигада – Худудий статистика органлари билан ишлаш бўлимида, худудий статистика бошқармаларида – Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма-ахборот ишлари бўлимида белгиланган тартибда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси
 Давлат статистика қўмитаси
 тизимида “Ишонч
 телефонлари” фаолиятини
 ташкил этиш Регламентига
 1-илова

“Ишонч телефонлари”га келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш дафтари*

Т/р, қабул қилинган сана	Жисмоний шахснинг ФИО, манзили (Республика, вилоят, туман, шаҳар, ҚФЙ, махалла, кўча ва уй (хонадон) рақами) <i>ёки</i> Юридик шахснинг тўлик номи, вакилининг ФИО, манзили (почта манзили), телефон рақами	Мурожаат мазмун ва тури (таклиф, ариза, шикоят)	Мурожаатни қабул қилган масъул ходим	Раҳбарият кўрсатмаси	Масъул ижрочилар	Мурожаатни ижро учун олинганлиги тўғрисида масъул ижрочининг имзоси	Жавобнинг мазмун: ижобий ҳал этилди; тушунтирилди; рад этилди	Жавоб хатининг тартиб рақами, санаси, шахсан олиб кетилганлиги ёки почта, электрон почта орқали юборилганлиги ҳақида маълумот
1	2	3	4	5	6	7	8	9

*Изоҳ: Дафтар варақлари рақамланади, ип ўтказиб тикилади, Қўмитада Ишлар бошқармаси (худудий статистика бошқармаларида Умумий бўлим бошлиғи) бошлиғи томонидан имзо қўйиб тасдиқланади ва тегишли муҳр билан муҳрланади. Ҳар бир йил учун алоҳида дафтар юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика
 қўмитаси тизимида “Ишонч телефонлари”
 фаолиятини ташкил этиш Регламентига
 2-илова

(Олд томони)

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ
 МУРОЖААТЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ КАРТОЧКАСИ**

Тартиб рақами:	Савол:
Мурожаат қилувчи:	
Манзили:	
Мурожаат келиб тушган сана:	Мурожаат қилувчилар сони:
Мурожаатнинг шакли:	Варақлар сони:
Қабул шакли:	Дубликат/ такрорий
Мурожаатнинг тури:	Олдинги мурожаатнинг санаси ва рақами:
Назорат тури:	
Мурожаатнинг қисқача мазмуни:	
Резолюцияни (топшириқни) имзолаган раҳбар:	
Раҳбарнинг резолюцияси (топшириғи):	Бажариш муддати:
Таркибий бўлинма:	Ижрочи:

(Орқа томони)

Мурожаатларни кўриб чиқишнинг ҳолати		
Юборилган сана	Қаерга юборилган	Жавоб хатининг рақами ва санаси
Муддати узайтирилган:	Ким томонидан: (имзо)	
Жавоб хати келган сана:		
Кўриб чиқиш натижаларининг қисқача мазмуни:		
Назоратдан олинди (ким томонидан):	Бажарувчининг имзоси:	
Сана	Бажарилган сана:	
Мурожаатни кўриб чиқиш муддати бузилганлиги ҳақидаги белги:		